

OpenOffice.org - бепул оффис дастурлари пакети.



OpenOffice.org (OOo) – қулай бўлган, тўлиқ функцияли оффис пакетидир. Бу оффис дастури Сун компаниясининг еркин тарқатилувчи дастурлар туркумига кирувчи бепул оффис дастурлари пакети ҳисобланади. OpenOffice.org бир вақтнинг ўзида дастурий маҳсулот бўлиши билан бирга кўнгилли(ихтиёрли) дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиларнинг бирлашмасидир. Ҳар ким ООо дастурларини **open source** лицензиясига мувофиқ тарқатиши мумкин.

OpenOffice.org дастурлар пакетида ҳам Microsoft Office дастурлар пакетида мавжуд бўлган дастурлар мавжуд бўлиб, уларда амаллар бажариш фойдаланувчига қийинчилик туғдирмайди.

OpenOffice.org таркибига қуйидаги дастурлар киради:

Writer (матн муҳаррири). Writer ушбу дастур турли ёзма маълумотлар, китоблар, ҳисоботлар, информатион бютенлар, брошюралар ва бошқа ҳужжатлатларни тайёрлаш учун қулай имкониятларга эга бўлган матн муҳарриридир. Сиз Writer ҳужжатида графика ва бошқа компоненталар объектларини жойлаштиришингиз мумкин. Writer дастури ёрдамида файлларни HTML, XHTML, XML, Portable Document Format (PDF) va Microsoft Word файлларини баъзи версияларига экспорт қилиш мумкин.

Calc (электрон жадвал). Calc дастури тезкор анализ, диаграммалар қуриш ва электрон жадваллардан кутиш мумкин бўлган юқори аниқликдаги ечимлар олиш учун жиҳозларга эга. Бу дастур молиявий, статистик ва математик операциялар учун 300 дан ортиқ функцияларни ўзида жамлаган. Сиз Excel дастурида тайёрлаган маълумотингизни очиб, амаллар бажариб яна Excel файли кўринишида сақлашингиз ҳам мумкин. Бундан ташқари Calc

дастурида елестрон жадвалларни Adobe PDF ва HTML га экспорт қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Impress (тақдимотли графика). Impress барча турдаги мултимедиа кўринишидаги маълумотларни намоиш қилиш воситаларига эга. Бундай маълумотларга мисол қилиб махсус эффект, анимация ва расм чизиш воситалари келтириш мумкин. Бу дастурда OOo нинг Draw ва Math компоненталарининг график имкониятларини кенгайтирилган ҳолатлари мужассамлаштурулган. Impressда Power Point дастурида тайёрланган маълумотларингиз устида амаллар бажаришингиз ва тайёр маълумотларингизни Macromedia Flash (SWF) форматида сақлашунгиз мумкин.

Draw (вектор графикаси муҳаррири). Draw векторли расм тайёрлаш жиҳози ҳисобланади. Бу дастур ёрдамида оддий диаграммадан ёки блок-схемадан то уч ўлчамли тасвирий маълумотлар тайёрлаш мумкин.

Draw ҳар қандай форматдаги расмларни танийди ва ўзида тайёрланган маълумотларни 20 дан ортиқ форматда, мисол учун HTML, PNG, PDF ва ҳотто Flash форматларида сақлаш имконияти мавжудлиги билан бошқа компаниялар ишлаб чиқарган оффис дастурий таъминотларидан фарқ қилади.

Base (маълумотлар базаси). Бу дастур содда кўринишга эга бўлиб маълумотлар базасини ташкиллаш жиҳозларига эга. Base ёрдамида формалар яратиш, ҳисоботлар тайёрлаш, сўровлар ва жадвалларни осонлик билан ташкиллаш мумкин. Дастур одатда реляцион маълумотлар базаси бўлган HSQLDB ни ўз ичига олади. Бундан ташқари дастурда dBase, Microsoft Access, MySQL ва Oracle ёки инсталланган ODBC ёки JDBC кўринишидаги маълумотлар базасидан фойдаланиш мумкин.

Math (формулалар муҳаррири). OOo Math формулар ва тенгламалар муҳарриридир. Сиз дастур ёрдамида осонлик билан таркибида турли белги рақамлар, ностандарт ёзув шрифтлари мавжуд бўлган мураккаб

тенгламаларни ҳосил қилишингиз мумкин. Math ООо да бошқа оффис дастурий таъминотларида мавжуд бўлмаган алоҳида компонентадир.

Бундан ташқари ООо махсус луғатлари мавжуд бўлиб ООо компоненталарида тайёрланган маълумотларни бошқа тилларга таржима қилиш имконини беради.

Бизнинг Тошкент Ахборот Технологиялари Университети Фарғона филиалимизда ҳам ушбу оффис пакетидан фойдаланилади. Бу дастур компоненталари тузилиш жиҳатдан Microsoft компаниясининг оффис пакетига ўхшасада бепул тарқатилишлиги билан устун туради. Ўрнатилиш жараёнида ҳам мураккаблик жиҳатлари йўқ. Дизайни ва ускуналар панели фойдаланувчига анча қулай тарзда тайёрланган.

OpenOffice.org бепул тарқатилишлиги биз каби талабаларга оффис дастурларидан фойдаланишга қулайликни таъминлаб келмоқда.

ТАТУ Фарғона филиали

612-06 гуруҳ талабаси Мулайдинов Фарход Муротович

Моб тел: +998914865610

Email: farhodmulaydinov@inbox.ru

Илмий раҳбаримни мақолага билдирган фикрлари.

Талаба Мулайдинов Фарход бугунги кунда ТАТУ Фарғона филиалида иқтидорли талабалардан хисобланади. Операцион тизимлар, дастурлаш тиллари билан ўз устида мунтазам шуғулланиб туради. Мулайдинов Фарходнинг ушбу тайёрлаган тезисида келтирилган оффис дастурлари пакети(OpenOffice.org)ни қулайлиги, имкониятлари ва замонавийлигини кўрсатиб ўтган. Мулайдинов Фарход ушбу оффис дастурини лаборатория машғулотларида ҳам синаб кўрган. Тезисга ижобий баҳо бериш мумкин. Тезисни «Хабар» газетасида чоп этишга тавсия этаман.

Ахборот технологиялари кафедраси

Катта ўқитувчиси

Б.С. Азамхонов